



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSİYALAR AGENTLİGI NASHRI

1992 yil martdan chiqsa boshlagan

2001 yil, 10 avgust №32 (465)

Sotuvda narxi erkin

МИЛЛИОНЛАР ЎЙНИ

Миллионлар ўйинига айланган футбол республикамиз алоқачиларининг ҳам севимли машгулути бўлиб қолди. Жорий йилнинг бошларидаги ўтказилган тармоқлараро мини футбол турнирида алоқачилар галибликни кўлга киритган эди. Яқинда Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамкорлигига ташкил қилинган мини футбол бўйича анъанавий кўчма кубок ўйинлари бўлиб ўтди. Унда соҳанинг корхона ва ташкилларидан ўн бешта гурух иштирок этди. Туттга гурухда булинниб ўзаро баҳслашган спортчиларнинг кучли жамоати



лари 4 август кунини финал учрашувуда майдонга тушидилар. Энг яхши натижага кўрсатган "Ўздунрӯ" кўшма корхонаси ва "Тошкент шаҳар телефон тармоли" акциядорлик жамияти спортчилари ўтрасида бўлган сўнгги учрашувда голиб жамоа аниқланди. Рақибларини 4-2 ҳисобида мағлубиятга учратган "ШПТТ" АЖ спортчилари мини футбол бўйича 2001 йилни кубок эгаси бўлди.



Учрашув ниҳоясида ўйингоҳда саф тортиган спортчиларни Агентлик Буш директори Ф. Абдуллаев ва "Ўзбектелеком" АК буш директори А. Жўрабоевлар табрикладилар. Совриндорларга қимматбахо совсалар топширилди.

ХОЛМУҲАММАД

ҚўРИК ТАНЛОВ БўЛДИ

Давлат алоқа инспекциясида "Ўз касбининг устаси" қўрик тандовининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қўрик тандовлар низомининг 1-босқичига кўра яхши рейтинг натижасига эришган вилоятлардаги ҳудудий таркиби бўлинмаларининг мутахассис инспекторларни иштирок этди. Улар почта ва телекоммуникациялар соҳасига озиқ саводларга жавоб бердилар. Берилган жавоблар бўйича соҳавий-хукукий билими,

малакаси ва касб тайёрларлигини юкори дараражада эканлигини кўрсатган Фаргона вилояти ДАИ ходимлари Ўктаам Усмонов биринчи, Рустам Каримов иккинчи ҳамда Андикон вилояти ва Тошкент шаҳар ДАИ ходимлари Абдуманноб Мамасобиров ва Илҳом Рустамов учинчи ўринларни эгаллашди.

Э. МАТҚУРБОНОВ

МУСТАҚИЛЛИК – УЛУФ НЕЪМАТ

1. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасидами. Ўттан мана шу қисқа, аммо биз учун ўта мухим вакт мобайнида амалга ошган қайси ўзгаришларни алоҳида савиаган бўлардингиз?

2. Сизнингча, мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз қандай ҳисса кўша олишиниз мумкин?

Мавлуда ИСМОИЛОВА, Ихтисослаштирган лойиҳа конструкторлорлик биророси корхонасининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими мұҳандиси.

1. Ушбу давр мобайнида жуда катта ўзгаришлар рўй берди: миллий байрамларимиз, қадриятларимиз тикланди.

Узбекистон жаҳон миқёсида ўз ўрнини топа билди, уни шаҳримиз хуснига хусн кўшадиган иншоотлар, кулайлик-

лар келтирувчи кўпприклар курилди, йўллар таъмириланди, Тошкент метросининг яна бир ўйналиши очилиш арафасида. Буларни кўриб кўзинг кувонади, дилинг яйради.

Ўтганларимизни хотираш, уларнинг қабрларини зиёрат қилиш каби қадриятларимиз тикланди. Уорушда ҳалол бўлганлар ва қатагон йиллари курбонлари хотира-сига багишлаб курилган зиёраттоҳлар халқимиз дилидаги армон, оғриқларнинг унтутишига ҳисса кўши.

Шу қисқа 10 йил ичидаги ўзбекистон жаҳон миқёсида ўз ўрнини топа билди, уни шаҳримиз маданий мөхаббатида оширилди. Биз бу билан фахрланамиз ва

шукроналар қиласиз.

2. Менимча, ҳар бир ўзбек фуқароси ўз оиласида, иш жойида, умуман ҳаётда ҳалол, вижонлини бўлса, Ватанимиз равнаки учун ҳар қандай кўйинчиликларга тайёр турса, шунинг ўзи унинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашга кўшган энг катта ҳиссаси бўлади.

Бизнинг корхонамизда республикамиз алоқа корхоналари учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу билан республикамизда улбу соҳани ривожлантиришига ўз ҳиссамизни кўшмоқдамиз, деб ҳисоблайман. Ўзимга келсан, Ватанимиз равнакига ҳисса кўшадиган ҳар қандай ишни бажаришга тайёрман.

Х. КАРИМОВ ёзиб олди

• Танқиддан сўнг

МАШГУЛОТЛАР ЎТКАЗИЛАМОДА

"Хабар" газетасининг 2001 йил, 13 июл, 28 сононда чол этилган "Тилга ётибор - юқсак бурч" сарлаваҳали маколада "Сурхондарё Телеком" шўйба корхонасида давлат тилига ётибор кониксиз эканлиги айтиб ўтилганни.

Шу муносабат билан "Сурхондарё Телеком" шўйба корхонасида қўйдагиларни маълум қилиди.

Хозирги кунда корхонада барча ҳужжатлар давлат тилида олиб борилмоқда.

2001 йилнинг 28 марта гариб шартнома асосида Термиз Давлат Университетининг профессори, доцент Т. Турсунов Давлат

тили ва лотин алифбосини ўтгариш бўйича машғулот олиб бормоқда. Машғулотлар август ойининг охирига бўлади. Шундай кейин ҳар бир ходимимиз билан универсitet ўқитувчи ва раҳбарлар ўтасида рейтинг сухбат ўтказилиди. Шунингдек, русийзабон ходимлар билан ҳам ўзбек тилида иш юритиш бўйича машғулотлар ҳар дафтада олиб борилмоқда.

Ш.ЕКУБОВ,
"Сурхондарё Телеком" шўйба корхонаси бош директори

"Бухоро Телеком", "Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти ва алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда "Онал" ва болалар йили"га бағишилаб алоқа ходимлари вилоят спартакиадасини ўтказиши. Унда спортнинг бир

ГОЛИБЛАР АНИҚПАНДИ

қатор турлари бўйича шаҳар ва туман босқичларида галибликни кўлга киритган спортчилар иштирок этди.

Волейбол бўйича "Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси биринчи, "Бухоро Телеком" АЖнинг Вобкент филиали жамоаси иккинчи ва Ромитон филиали жамоаси учинчи ўрнларни эгаллади.

Спортнинг стритбол турнири бўйича бўлган баҳсларда "Бухоро Телеком" АЖнинг Когон филиали учинчи ўрнлардан жой олди.

Ютурши бўйича ўтказилган мусобақада "Бухоро Телеком" АЖнинг Когон филиали биринчи, Бухоро шаҳар филиали алоқачилари иккинчи, "Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти эса учинчи ўрн соҳиб бўлудilar.

Мусобақа галиблари Фахрий ёрликлар ва эсадлии совғалари билан тақдирландилар.

А. ИСТАМОВ,
жамоатчи мухбиримиз

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЙАНГИЛИКЛАР • ВОКЕЛАР • ХАБАРАР

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўмид" жамгараси грантларни соҳибларига табрик йўллади.

7 нафар кўмандони уч юзга яхон аскари билан Шимолий иттифоқ томонига ўтиб кетди.

• Япония таълим вазирлиги келтиришни ўтказиши.

• Тошкентда Ҳалқаро Олимпиада кўмитаси шафёлигига Ҳалқаро давражадаги малакали баскетболчиларни таълёрлаш" мавзуиди семинар ўтказилиди.

• Пойтахтизмиздаги "Шератон" меҳмонхонасида ҳалқаро сайджлик форуми бўлиб ўтди. Унда Ватанимиз ва бир катор хорижий мамлакатла фирмаларининг вакиллари иштирок этиши.

• Россиянинг "ИТЕРА" нефт компанияси яна Туркманион газини Украинага етказиб берса бошлади. Узаро хисоб-китоблардаги узилишлар сабабли 26 июндан бўен Украина жунати-лаётган газ ҳамми икки барабарга кискарган эди.

• Афғонистоннинг FIP вилоятида Толибон ҳаракатига хизмат килаётган куролли гурухларнинг

"Ўзбектелеком" АК таркибидағы электралоқа корхоналарда симли радионуқталар сони 1995 йилда 1308574 тани ташкил қылган бўлса, бу роқам 2000 йилнинг охирига келди 415832 тага тушаб қолди. Радиоузеллар эса 701 тадан 489 тага камайди. Чунки корхона, ташкилот ва хўжалик хисоби-даги корхоналар хамда аҳоли аризала-рига биноан радионуқталар узид қўйиладиган бўлди. Колаверса, "МАЯК" дастурининг ўчирилганлиги ҳам мижозларнинг симли радионуқталарга бўлган қизиқини сусайтири. Натижада 2000 йилда симли радионуқтаришдан олинган даромад режадаги 239,309 миллион сўм ўринига 199,859 миллион сўмни ташкил қилиб, эксплуатация учун сарф қилинган харажат эса 424,066 миллион сўмга етган. Демак, 224,107 миллион сўмлик зарар кўрилган.

Энди рақамларга эътибор қиласак, "Ўзбектелеком" АКга қарашли "Андижон Телеком" АЖ (Асака, Андижон шаҳарлари ва Корасув, Буз туманиларидан) 29906 та радионуқтаришда мавжуд бўлиб, улардан олинган даромад 20 миллион сўм, сарф қилинган харажат эса 45,74 миллион сўмга етган. Демак, 2000 йилда тегиши ёрдам кўрсатиш эътиборга олинган. Режага асосан, 2000 йилда йигирмата шаҳар ва йигирма тўққизта тумандаги жами 144271 радионуқтани эфир турига ўтиши мақсад қилиб қўйилган. 2000 йилда эфир туридаги радионуқтаришда ўтказилган тўққизта корхонада эса тармоқнинг эксплуатацияси сарф қилинадиган 122,84 миллион сўм маблағи таражуп эса 40 миллион сўмдан иборат бўлди. "Бухоро Телеком" АЖ (Вобкент, Фиждуон, Жондор, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл ва Олот туманлари)га қарашли 17628 та радионуқтадан 13226 тасигина

СИМЛИ РАДИОЭШИТИРИШ ЗАМОНА ТАЛАБИ

Юзага келган муммони ҳал этиш учун Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги эфир туридаги радионуқтаришни ўтишига қарор қилиди. Энди мижозлар радионуқтаришни ушбу турига ўз маблағлари хисобидан ўтишлари мумкин бўлди. Аммо кам таъминланган ёки имтиёзга эга бўлган оилалар учун бу борада ҳам тегиши ёрдам кўрсатиш эътиборга олинган. Режага асосан, 2000 йилда йигирмата шаҳар ва йигирма тўққизта тумандаги жами 144271 радионуқтани эфир турига ўтиши мақсад қилиб қўйилган. 2000 йилда эфир туридаги радионуқтаришда ўтказилган тўққизта корхонада эса тармоқнинг эксплуатацияси сарф қилинадиган 122,84 миллион сўм маблағи таражуп эса 40 миллион сўмдан иборат бўлди. "Бухоро Телеком" АЖ (Вобкент, Фиждуон, Жондор, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл ва Олот туманлари)га қарашли 17628 та радионуқтадан 13226 тасигина

Афусуски, айрим корхоналар махаллий ҳокимликлар

• Муаммо
• Мулоҳаза

ва фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг рухсатини ололмаганликлари бос тасдиқланган режани бажаролмаган. Ҳал бўлмайтган муммолар ҳозирда "Ўзбектелеком" АК шоти-роқида маҳаллий ҳокимликлар ва фавқулодда вазиятлар бошқармалар билан ҳамкорликда кўриб чиқилмоқда. 2001 йилда тасдиқланган режага асосан ўнта шаҳар ва ўтгиз олтига тумандаги жами 88858 та радионуқтани, жумладан, 59696 та аҳоли хизматидаги нуктатарни эфир туридаги радионуқтаришни ўтказиш режалаштирилган бўлиб, бу ишлар жорий йилнинг 3 ва 4-чорагида амалга оширилиши лозим.

"Ўзбектелеком" АКнинг 2001 йил, май ойидаги ҳайъат кенгашидан 2000 йилда бажарилмай қолган ишлар юзасидан зудлик билан чора-қуриш лозимлиги тасдиқланди. Кенгаш йигилишида режани тўлиқ бажаролмаган корхона раҳбарлари огоҳлантирилиб, уларга зарур кўрастамалар берилди. Шунингдек, эфир радионуқтаришни турига ўтиши мобайнида симли радионуқтаришлар тармоғида ҳам узилишларга ўйл қўймаслик кераклиги қайд этиб ўтиди.

К. МУРОДОВ,
"Ўзбектелеком" АКнинг маҳаллий тармоқларни техник сиёсати ва эксплуатацияси қилиш бўлими бош мутахассиси

ЯНА БИР МИЛПИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Радиочастота спектри (РЧС) милий бойликларнинг алоҳида бир кўриниши бўлиб, юртимизда радиоалоқа, радионуқтариш, янги радиотехника ҳамда технологияларнинг ривожи ундан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Радиоалоқа ва радионуқтаришлар ривожланиши даражаси эса ҳозирги кунда мамлакатларнинг иқтисодий, мухофаза ва хавфзилик ҳолатларини кўрсатувчи омиллардан бирига айланб оғормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йилнинг 25 декабрида "Радиочастота спектри тўғрисида"ти қонунни қабул қилиди. Бу қонун юртимизнинг радиочастоталарни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатларни тартиби салувчи асоси ҳуқуқий хужжатидир.

РЧСдан фойдаланишини давлат бошқаруви сертификатлаш, лицензиялаш, солиқлаш, тортиши, ягона илмий-техника сиёсатини шакллантириш каби қонунда кўзда тутилган воситалар билан маалга оширилади.

РЧСдан фойдаланишини бошқариши борасидаги давлат аҳамиятига эга бўлган мумхин вазифалардан бирим мамлакатда янги технологияларни ривожлантириши учун шароит яратишдан иборат. Бу жамиятнинг барча қатламарини замонавий алоқа хизмати билан таъминлашда сезилилари синжишларга олиб келади. Ана шундай технологиялар қаторига уяли алоқа, ДЕСТ стандартидаги симсиз телефонлар, транклинг алоқа, пейджинг алоқаси, маълумотларни телефон орқали бир пунктдан бир неча пунктага узатиши ва яна кўплас истиқболи тизимларидан.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, РЧСдан фойдаланишини бошқариши сиёсатининг асосини қўйдаги тамоийлар ташкил этиди:

1. Радиочастоталар ораликларининг турли радио хизматлари ўтасидаги ягона тақсимотини жорий этиш;

2. Мамлакат ҳудудида умумжаҳо ёки давлат радиочастоталар кўмитаси тасдиқланган ҳудудий стандартларга мос радио во-

ситаларидангина фойдаланиш; 3. РЧСни бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи орган орқали бошқариш;

4. РЧСдан фойдаланганлик учун ҳақ тўланишига эришиш.

"Радиочастота спектри ҳақида"ти қонунда электромагнит мослашувни назорати вазифалари аниқ беғилга берилган бўлиб, унда ислоҳотлар зарурати ҳам кўринади. Жумладан, РЧСдан фойдаланувчи орқали борасидаги ғойдаланишларни салувчи асоси ҳама қилинадигина фойдаланишлари мумкинлиги қайд этилган.

Қонунга кўра радиочастоталарни тақсимловчи органлар мунтазам равишида ундан фойдаланишга баҳо бериш, огоҳлантириши ва РЧС ҳақидағи қонунларнинг бу зилишига ўйл қўймаслик борасида қатор ташкил-техникавий тадбирларни ўтказиб туришлари керак.

Радиоалоқа технологияларининг жадал суратлар билан ривожланиши РЧСдан фойдаланишини назорат килишининг автоматик тизимларни жорий этишини тақозо этимокда.

РЧСнинг техникавий назорат тизимини яратиш учун ускуналарни қелитириш, монтаж, созлаш ва ишга тушириш борасидаги инвестиция лоҳиҳаси асосида 2000 йили бошланган ишлар режага кўра Республикаси 10 йиллиги арафасида ниҳоясига этиши керак. Мазкур тизимнинг ишга туширилиши эса РЧСдан фойдаланишини бошқариши ишларининг қисқа муддатларда янги марраларга чиқишига имкон яратади.

Н. ИСМОИЛОВА,

ЭММ бошлини ўринибосари

В. ЯКОВЛЕВА,

ЭММ радиочастоталар хизмати бошлиги

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Toshkent-Telecom" акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг маркетинг, лойхалаш ва капитал таъмишларни бўлиши бошлиги Турғун ХУДОЙНАЗАРОВни 60 ёши билан санмий табриклий. Унга узик умр, сиймат-саломатлик, онлайв хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларидаги ривож тилайди.

Азиз акажонимиз Нурилла ЭШОНҚУЛОВ!

Сизни кутулған ўйнинг билан табриклий. Сизга ва опамиз Шахлохонга ойланиш баҳт тилаб, фарзандларини камолини кўришингизни оллоҳдан сўраб қоламиз.

Синтиларингиз Барнохон, Зуҳрахон ва Ҳулкар.



"Кашқадарё Телеком" шўйба корхонаси Косон филиали марказий АТС электромонтери Зилола АМИНОВА кўп йиллардан бўён самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

Инсоннинг тараққиётининг энг муҳим таъянчларидан бири телефон алоқасидир. Эндиликда телефон у минглаб вазифаларни ёнгиллаштириб, инсоннинг қанчадан-қанча вақтни тежаб қолмоқда. Интернет ҳам, факс ҳам, электрон поча ҳам ана шу алоқа туфайлигини дунёга келди ва бугун ривож тоғмоқда. Немис олимларининг янги бир ихтироси эса унинг зиммасига яна бир вазифа

ТЕЛЕФОН – НАЗОРАТЧИ

юклади. Телефон алоқасининг хизмат доираси янада кенгайиб, тиббийтга ҳам кириб борди. Гап шундаки, беморларни юрак уришини назорат қилиш имконинини беради. Шунингдек, эндиликда даволанган беморларни кўркмасдан, эртароқ уйига жавоб берса ҳам бўлади. Айни

пайдада врачлар қон босими, томир уриши ва қондаги қандай миқдорини мобил телефонни орқали аниқловчи аппаратларни ҳам ишлаб чиқишига киришганлар.

М. БАРОТОВА
тайёрлари

ОНА ЎРТИМ, ОНА ТУПРОГИМ

Мен ишқида ёнган юртни Ўзбекистон дейдилар,
Хар карич турорин зар, олтинга кон дейдилар.
Хар томон боку бўстон, чаманзордир хар тараф,
Арши-аълга киёси, жаннатмакон дейдилар.

Шул жаннатнинг хури бўлай, қанот коқай беармон
Шул тупроғининг кули бўлай, садқа бўлсин унга жон!

Шул тупроқда бобожоним, бувижоним изи бор,
Борлик аро жарангаган, ҳикматга бой сўзи бор.
Юрт оромин кўрикловчи, тўғри йўлга бошловчи,
Тунларида само узра жовдираган кўзи бор.

Чарх айланаб, учиг кетсан, мен ҳам аждодлар томон
Хилол бўлиб тунларини айланин-о нурафшон!

Она ҳалқим меҳри ила бопим омонидир-омон.
Қаҳрланса ҳархи ила ёвлар ахволи ёмон.
Хар заррасин эъзоз этиб, кўзга суртган элимнинг,
Шул мукаддас тупроқ утун кўкси қалқондир-қалқон.

Шул улугбўр дентиз ичра томчи бўлсан ҳам,
Керак бўлса юртим учун бўла оламан уммон!

Гўзал юртнинг гўзаллиги улуг элга мос экан,
Қазблариниз гўзал бўлса, дўстлар, жуда соз экан.
Юраги пок, динти пок серхиммат ҳалқим,
Шунинг учун шул маконга Оллоҳим хамроз экан.

Ойдин тонглар отаверсин, йўлинг бўлсан нурафшон,
Она ерим, азиз ҳалқим, диёрим Ўзбекистон!

БИР ҚИЗ БОРАР ОППОҚ ЛИБОСДА

Бир қиз борар оппок либосда,
Қузларида маржон-маржон ёш...
Илк севгисин юлиб ташлаша
Юрак куртур беролмас бардош.

Авжга чиқар ёр-ёр, яллалар,
Қналар шодон, йигитлар қувноқ,
Ракста тушар қитмир янгалар,
Келичакка татимас бирок.

Қўй йилгами, қўйгин сингилжон
Юрагингда бўлса ҳам армон.
Бахтиң ўша, толейнинг ўша,
Оқ либосда келади, ишон!

Сен қидирма ул бевафони,
Олазарак қўзларине кулсиз!
Бахтиң сарни пешвуз чиқ, синглим,
Бедор тунлар сени унунтсан!

Оппок либос ярашди, қара
Едай тарқоқ ҳаёлларинг йиғ.
Шахзоданг бор ундан ҳам сара,
Йиглаб кетсан энди айрилик.

Юрак дардинг этариди хис,
Ишқ қасрни четлаб ўтганлар,
Томчи ёшга арзимас, эсиз,
Мухаббатни увол ўтганлар.

Бир қиз борар оппок либосда,
Қузларида маржон-маржон ёш...

ЛОЛА

Офарин айтинг дўстлар,
шул никол бардошига.
Бағри кон шўр юракни,
кўтарибди бошига.
На азоб ва на гамдин,
бунчалар тилим-тилини.
Бўм-бўш юрак тубинда,
кора дое колдирган ким?

Дилором МУХИДДИН қизи

КОНАН ДОЙЛ ҲАЁЛПАРАСТ ВА ҲАЗИЛКАШ

Мұхаббат ва санъаткорона маҳорат билан яратилган буюк изқувар сиймоси вақт ўтиб Конан Дойлининг меъдасига тегди. Ҳар қандай ҳаёлпастга ўшаб у ҳам янгича асарлар яратишни хоҳиради. У ноширилардан Холмс улун қалам ҳақини оширишини талаб қилиди. Нияти – узар хасислик қилисса, шу баҳона жонига теккан изқувардан кутулиши ёди. Аммо ноширилар унинг шартларига кўниши. Конан Дойл яна иккни бор шу тарика изқувардан кутулишига уриниб кўрди. Аммо ҳар қалам ҳақини янада оширишига эриши, холос. “Бу усуладан бир напижка чиқмайди, шекилини. Башкача иш тутишига тўғри келади”, – деган хуласага келди у.

“Шерлок Холмсни ўйларишига қарор қўлим. У тифайли қанчалаб мұхим ишшаримга кўлим тегмаси”, – деги бир гал онасига нолиди.

Ноҳият ёзувини “ёбуз” ниятини 1893 йилда амалга ошириди – “Холмснинг сунғы иши” асарин дунё юзини кўрди.

Шундан сунғи китобхоналарнинг газаз тўла матбуоти тинимиз чиқишшарига, дош беролмаган адид, навбатдаги асарида Холмсни тирилтиришга маъжбур будди.



МУАССИС:
Ўзбекистон почта в
телекоммуникациял
агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЛАТИ:
Шомансур ОБИДҲУЖА
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzat АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёкубжон ҲЎЖАМБЕРД

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**
Сайдмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛАЕВ
Мехмонкул
ИСЛОМКУЛОВ
Тўлиқин
ЛУГФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 70000
Тошкент-35, А. Толсто
кӯчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-2
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Таҳририятта келган
ёзмалар (2 ораликда
бетдан ошмаслиги лози
ва суратлар муаллифа
қайтарилмайди. Мако
лардаги фикр-муҳозаҳ
келирилган факт ва ра
лар масъулияти муаллиф
зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республика
Давлат матбуот кўмитасид
00011 ракам билан рўйхат
олинган.

Буортом № Г-2739
4805 нусхада чо
этилди.
Офсет усулида
босилди.

Бичими А-3, ҳажми
босмата бобок.
Газета таҳририят компют
базасида терилид в саҳи
ланди.

Эзгу ният

Чиройли амалнинг шарти ниятини холи Аллоҳ учун ва амалнинг савобли, яъни шариатта мувофиқ бўлишилгидир. То шу иккى сифат бир амалда жамланимагучча мақбул бўлмайди.

Бироқ шариатда гуноҳ ёки сабоб амал эканлиги кўрсатилмаган, яъни, мубоҳ амалларни яхши ният билан қилинса савобга доҳил бўлиш мумкин. Ҳатто бир-бирига зид иккى хил амал ҳам савобли бўлиши мумкин.

Ривонт қилиннишича, бир аъробий саҳрода кета туриб қоқилибди. Отидан тушиб, шу атрофда ётган бир даҳрат шоҳини қозик қилибди-да, отини боелади. Бир қанча фурсат дам олиб, яна отта ми-нибли. Қоқилган қозиг яна бошқаларга ҳам хизмат қилин, дег уни сугурмабди. Кўп ўтмай бу ердан бошига бир йўловчи отини елдириб ўттар экан, оти бояги қозикка қоқилибди. Отиқ жон ачин-гига келиб қараса ерга қозик қоқилган, шунда у “мендан бошка киши ҳам бунга қоқилмай қўя қолсан” деган ниятда шоҳни сугуриб ташлашибди.

Ана шу ўринда ҳар иккى йўловчига ҳам сабоб ёзилди. Ҳолбукни, улар бир-бириларига зид иш қўлган бўлсалар-да, ниятлари эзгулик-дан иборат эди.

Демак, киши бирон амал қиласа экан, унинг савобли бўлишида ниятнинг ўрни аҳамияти экан.

ҲИҚМАТЛАР

Нарсалар қандай бўлмоғи лозимлигини билши ақли оламга хосидир: нарсаларни ҳақиқатда қандайларигини билши таҳрибели оламга хос: нарсаларни янада такомиллаштириши билши буюк оламларга хос.

Дени ДИДРО

Доно одам дардига даво қидириб юргандан кўра касалликни ўзига йўлатмайди.

Томос МОР

Оллоҳ таоло ҳар қандай дард юборгандан унинг давосини ҳам юборгандир.

Ҳадисдан

Фаросатизлигимиз ва иллатларимиз туфайли ҳаётимизни бар-бод этамиз-да, кейин унинг оқибатида келиб чиқсан кулғайтлардан нолишга тушамиз ва охири баҳтсизлик пешонада бор экан-да, деб гапириб юрамиз.

Кристиан БОУВИ

Руҳ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.

Виктор ГЮГО

“Алоқаинвест” АЖ жамоаси Коракалпогистон Республикаси кўчума механизацияллашган жамланимаси бошлиги

Нуриддин МАТЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чукур ҳамдардлик билдиради.

**«ШАРК» НАШРИЕТ-
МАТБАА**
**АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ**
БОСМАХОНАСИ.

Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси
41-йи.

Босиша топширилди – 18.00
Босиша топшириш вақти – 1

1 2 3 4 5 6